

**КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ  
ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.  
ISSUES OF IMPROVING THE ANALYSIS OF THE VOLUME OF  
PRODUCTION AT ENTERPRISES.**

**Қличев Бахтиёр Пардаевич,**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси*

*e-mail: [klichev.baxtiyor@gmail.com](mailto:klichev.baxtiyor@gmail.com),*

*ORCID: 0000-0001-6938-7897, Тел: +99890 8650088.*

**Klichev Bakhtiyor Pardayevich**

*Department of Finance and Accounting, Tashkent State*

*University of Economics, e-mail: [klichev.baxtiyor@gmail.com](mailto:klichev.baxtiyor@gmail.com),*

*ORCID: 0000-0001-6938-7897, Tel: +99890 8650088.*

**Аннотация**

*Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистон ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши, мазкур корхоналарда таҳлилий ишларнинг амалга ошириш масалалари ёритилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орқали эришиладиган кўрсаткичларнинг назарий ва амалий жиҳатлари очиб берилган.*

***Таянч сўз ва иборалар.** Ишлаб чиқариш ҳажми, кичик бизнес, ЯИМ таркиби.*

**Abstract**

*The share of small business and private entrepreneurship in the GDP of Uzbekistan, issues of implementation of analytical work in these enterprises are highlighted in this research work. The theoretical and practical aspects of the indicators achieved through the volume of product production are revealed.*

***Key words:** Volume of production, small business, components of GDP.*

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга назар ташлайдиган бўлсак, кичик бизнес секторига асосий урғу берилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу борада амалга оширилаётган ишлар натижаси сўнгги йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичларимиз таркиби ва динамикасида ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,8 фоизни ташкил этди. Бундан олдин хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам ошиб, 2022 йил январь-сентябрь ойларида мазкур секторнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 40,3 фоизни ташкил этди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу кўрсаткич ўтган йил мос даврида 39 фоизни ташкил этган эди.

Республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йил 24 январь санасида Президентнинг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилга мўлжалланган “Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтириш Дастури” тасдиқланди. Мазкур дастур бўйича амалга ошириладиган ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилиши белгиланган:

- маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг прогноз параметрлари;
- янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш йиғма кўрсаткичлари;
- иқтисодиёт тармоқлари томонидан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати;
- ҳудудий корхоналар томонидан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати ва бошқалар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш прогноз параметрлари ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари барча корхоналарда харажатларни оптималлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми билан узвийликда тахминий ҳисоб-китоблар асосида қабул қилинади (Қличев Б., 2022). Бунда тахминий ҳисоб-китоблар ўтган даврдаги маълумотлар ва тажрибага асосланади. Корхоналарда ўтказиладиган иқтисодий таҳлил аниқ маълумотлар ўрнини боса олмасда, у турли бошқарув қарорлари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги саволларга жавоб топишда жуда фойдали. Корхоналар операцион фаолияти таҳлилининг биз юқорида айтиб ўтган модели “Харажат-ҳажм-фойда” (CVP-таҳлил) таҳлили деб аталади. CVP таҳлили, биринчи навбатда, операцион фаолиятнинг корхонанинг молиявий натижаларига таъсирини баҳолашга қаратилган (Klichev Bakhtiyor Pardayevich, 2022). Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига асосий эътибор беришимизнинг сабаби шундаки, маҳсулот реализация қилинаётган вақтда, материаллар ва меҳнат харажатлари одатда маълум даражада аниқлик билан маълум бўлсада, маҳсулот баҳоси ўзгарувчан бўлади. Шу билан бирга, компания зарар кўрмайдиган ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини белгилаши ҳам муҳим. Мазкур мақоланинг тадқиқот йўналиши ҳамда 2022 йил 24 январь санасидаги ПҚ-99-сон қарори мазмунидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг мазмуни,

заруриятини ёритиб беришда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлилида мазкур корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва унинг таркибий қисмларида тутган улушини ҳам қараб чиқиш даркор (1-жадвал).

1-жадвал.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари ҳажми<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Саноат (млрд.сўм)	50654,5	61367,8	87962,0	83344,2	103020,8	121719,2
Қурилиш (млрд.сўм)	19671,0	22469,4	37451,7	53960,9	63866,6	77762,0
Бандлик (минг киши)	10397,5	10541,5	10128,8	10318,9	9865,7	10070,7
Экспорт (млн.АҚШ.дол)	3139,2	2759,3	3810,8	4714,8	3100,9	3711,2
Импорт (млн.АҚШ.дол)	5676,8	7511,9	10916,2	14972,2	10943,3	12389,0
Савдо (млрд.сўм)	78935,6	92973,0	114896,4	138920,7	164106,1	204787,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд.сўм)	118011,4	152010,5	191759,2	219466,9	253238,2	307280,2
Хизматлар (млрд.сўм)	61346,2	69212,7	84433,4	103106,6	114052,7	144812,7

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайтидан олинган.


Юк ташиш (млн.тонна)	538,6	548,8	611,7	641,0	638,9	678,9
Юк айланмаси (млн.тонна-км)	10072,4	10444,4	11657,7	12152,3	12304,6	13108,1
Йўловчи ташиш (млн.йўловчи)	4866,5	5037,5	5242,6	5345,0	4904,8	5237,6
Йўловчи айланмаси (млн.пасс.км)	107789, 7	111435, 0	115335, 2	117412, 7	107766, 7	114681, 5

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор бериш зарур.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари самарадорлигини баҳолашнинг кенг қамровли усулларида бири бу, унинг бизнес фаоллиги (business activity) кўрсаткичларини, шу жумладан, компания операцион фаолияти самарадорлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳисобланади (Klichev, B.P., Choriev, I. X., 2021).

Йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнес секторига бозор конъюктурасидан келиб структуравий ўзгаришларни амалга ошириш нисбатан осон ва камхарж ҳисобланади (Klichev, B.P., Tulaev, M.S., 2021).

### ЯИМ таркибида кичик бизнес ва тадбиркорлик улуши



## 1-расм. ЯИМ ва унинг таркибида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши<sup>2</sup>.

Республикада ЯИМ ва унинг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улушини 1-расмда кузатишимиз мумкин. Ушбу маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, ЯИМ ва унинг таркибида 2016 йилдан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг пасайиш тенденциясини кузатишимиз мумкин. Иқтисодий ислохотларда ва қонунчиликда асосий урғу кичик бизнес ва тадбиркорликка қаратилаётган вақтда, мазкур пасайиш бу борада ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатмоқда. 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятда импорт таркибида кичик бизнес ва тадбиркорлик улушининг камайиб, экспорт таркибида ошганлигини ижобий баҳолаш мумкин. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи салоҳиятли кичик бизнес субъектларнинг ташқи инвесторлар учун шаффоф ва тушунарли ахборотлар тақдим этиш жараёнларини тезлашишида бизнес фаоллиги муҳим ҳисобланиб, манфаатдор томонлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб бизнес фаоллиги таҳлилини ўтказиш зарур ва долзарб ҳисобланади (Қличев, Б. П. 2022).

Бозордаги маълум бир маҳсулот ёки хизматга бўлган жами талабнинг кескин ошиб кетиши ҳолатида нархларнинг сунъий ошиб кетишини олдини олишда кўриладиган чора-тадбирлардан биттаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади (Klichev Bakhtiyor Pardayevich, 2022). Оператив структуравий ўзгаришларни амалга ошириб, талаб ошиб кетган маҳсулотларни (хизматлар) ишлаб чиқариш ва тез фурсатда бозорга етказиб бериш маҳсулотларга бўлган талабни қисман қоплаш ва шу орқали нарх ошиб кетмаслиги учун кўриладиган чоралардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, кейинги 3-5 йилликда юртимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларда устуворликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш, улар учун қулай инвестицион, инновацион, ҳуқуқий муҳит яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1).  
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60. [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. *Архив научных исследований*, 1(1). <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5), <http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php /journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
8. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. *Indian Journal of Economics and Business*. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2 <http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php>
9. Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.
10. Қличев, Б. П. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
11. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. *Central European Management Journal*. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293 [https://journals.kozminskicem-.com/index.php/pl\\_cemj/article/view/1284.html](https://journals.kozminskicem-.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html)
12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of New Century Innovations*, 6(1), 67–79. <http://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>

13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 889-892.
14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591  
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(3), 148-153.
16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. *International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR)* ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157  
<http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>
17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
18. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN, 2249(0892).  
[http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1\\_P7.pdf](http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf)
19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . *Journal of New Century Innovations*, 10(2), 48–54.  
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80.  
<https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
21. Ф.Қ.Бобоҳўжаева, (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари. *EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES*, 2(13), 156–159.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
22. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. *Viznes-Эксперт*, 3 (159), 39-42.
23. Холдороров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ

РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив  
научных исследований, 2(1). извлечено от  
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>

24. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 693-697). <https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>
25. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 2020, Systems (pp. 44-48). <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>
26. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>
27. Имомкулов, Т. Б. (2022). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Journal of new century innovations, 6(1), 57-66.
28. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering and Management, Volume 83, 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
29. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>
30. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12(5), 51-54. <https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>
31. Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>